



ИККИ ДАВЛАТ МУДОФАА ИДОРАЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 январь куни мамлакатимизда ташриф билан бўлиб турган Россия Федерацияси мудофаа вазири Андрей Белоусовни қабул қилди.



Учрашув аввалида Россия мудофаа идораси раҳбари Ўзбекистон етакчисига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломи ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон — Россия кенг қамровли стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини Россия Федерацияси Президентининг 2024 йил май ойида Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи чоғида эришилган келишувларни амалга ошириш нуктаи назаридан янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Қабул қилинган дастурий ва режа ҳужжатларига мувофиқ, икки мамлакат мудофаа идоралари ҳамкорлигини кенгайтириш муҳимлиги қайд этилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Матбуот хизмати сурати.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН — МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ТАЯНЧИ

Президент Шавкат Мирзиёев олий таълим ва илм-фан соҳасидаги устувор вазифаларга оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимиз тараққиётининг таянчи сифатида бу йўналишларга катта эътибор қаратилмоқда. Янги олийгоҳлар очилиб, қамров анча кенгайди. Таълим жараёнлари сифат жиҳатидан яхшиланмоқда.

Ўтган йили бакалаврият йўналишлари мақбуллаштирилиб, 1 минг 200 дан ортиқ таълим дастурлари хорижий андозларга мослаштирилди. Жумладан, битирувчиларга малака талаби тўлиқ янгиланди, қайта тикланувчи энергия манбалари, агроф-муҳит муҳандислиги, биотизимлар муҳандислиги каби замонавий йўналишлар очилди.

Бу йил ҳам қатор муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан, яна мингдан ортиқ таълим дастурлари “ТОП-300” университет дастурлари асосида такомиллаштирилади. 45 та таълим дастурлари халқаро аккредитациядан ўтказилади. Олийгоҳларда Регистратор офиси хизматлари билан талабалар тўлиқ қамраб олинади. Дуал таълимга яна 50 минг талаба жалб қилинади.

Олий таълимда илмий салоҳиятни 55 фоизга чиқариш, хорижда 5 минг нафар педагог малакасини ошириш режалаштирилган. Илгор муҳандислик мактабларини 25 тага етказиб, саноат корхоналари билан лойиҳалар қийматини 10 баробар ошириш мақсад қилинган.

Тақдимотда мутасаддилар шу борада амалга оширилмаган ишлар ҳақида ахборот берди.

Маълумки, олий таълимга қабул жараёнида “ававал тест, кейин танлов” тамойилига ўтилди. Давлат гранти талабаларининг иқтидорига қараб ажратилмайдиган бўлди. Молиявий мустақиллик берилган 40 та олийгоҳда Регистратор офиси ташкил қилинди. Натижада деканат ва бўлимларда штатлар 20 фоизга қисқариб, 30 та хизмат тури рақамлашди.

Ушбу тажрибадан келиб чиқиб, шундай офисларни бошқа олий ўқув юртлирида ҳам очиб, таълим ва илм-фан хизматларини қамраб олган ягона рақамли тизим жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Амалиёт билан уйғунлиқни кучайтириш мақсадида дуал таълим йўлга қўйилмоқда. Ҳозирда 15 минг талаба 957 та корхонага бириктирилган. Лекин корхона-

ларда бунга қизиқиш кам. Шу боис, дуал таълимда иштирок этаётган корхоналарни рағбатлантириш бўйича тақлифлар билдирилди.

2024 йил 20 июнда бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари ҳар бир ҳудудда техника олийгоҳи ва илгор муҳандислик мактаблари ташкил қилиш вазифасини қўйган эди. Ҳозиргача Термиз, Андижон ва Қаршида техника университетлари фаолияти йўлга қўйилди. Шунингдек, 8 та муҳандислик мактаби очилди.

Йиғилишда Нукус, Бухоро, Фарғона ва Наманган техника университетларини ташкил этиш лойиҳалари тақдимот қилинди. Унга кўра, янги йўналишлар очилиб, хорижий дастурлар татбиқ қилинади, талабаларнинг илмий-инновацион жараёнларда иштироки кенгайтирилади, олийгоҳларга саноат ҳамкорлари бириктирилади.

Умуман, бу йўналишдаги 35 та муассасани йириклаштириш ҳисобига 22 та техника университети ташкил қилинади. Шу йил охиригача яна 17 та муҳандислик мактаби очилади.

Сўнгги йилларда олий ўқув юртлирида илмий салоҳият 41 фоиздан 45 фоизга ошган. Лекин аксарият илмий тадқиқотлар саноат ва ишлаб чиқаришдаги замонавий тенденцияларни қамраб олмапти.

Шу боис, докторантура квотасини тақсимлашда иқтисодиётнинг драйвер соҳаларига аҳамият қаратиш, илмий даража ва унвонлар олиш тартибини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди. Педагоглар касбий маҳоратини оширишнинг янги босқичга олиб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Ёшлар тарбиясида ахлоқ ва спорт ҳам муҳим. Бу борада “Беш ташаббус”, “Маърифат улашиб”, “Талабалар спорт лигаси”, “Заковат” каби ҳаракатлар йўлга қўйилган. Бундай маънавий-маърифий, спорт ва интеллектуал лойиҳалар билан талабаларни тўлиқ қамраб олиш, ёшларда ватанпарварлик руҳини кучайтириш тадбирлари юзасидан ахборот берилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

Э.О.ТУРДИМОВНИ СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 15-банди ва 124-моддасига мувофиқ, **Эркинжон Оқбутаевич Турдимов** Сирдарё вилояти ҳоқими вазифасини бажарувчи этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 21 январь

Мулоҳаза ва тақлиф

“ЯШИЛ” БЕЛБОҒЛАР

УЛАРНИ БУГУН ЯРАТИШИМИЗ КЕРАК,
ЭРТАГА КЕЧ БЎЛАДИ

Ер юзида аҳоли сони кўпайиши қатор демографик муаммоларни келтириб чиқарди, хусусан, глобал исишга олиб келди. Бугун дунё бўйлаб ҳаво ҳарорати 1,5 даража кўтарилгани кузатилмоқда. Шунингдек, қанчадан қанча унмдор майдонлар деградацияга учраб, экин экишга яроқсиз ҳолга келди. Чучук сув танқислиги дунё бўйлаб сезилмоқда, тупроқ шўрланмоқда. Аҳоли озик-овқат танқислигига дуч келмоқда. Музликлар эриб, ер остидаги қазилма бойликлар, энергия манбалари кун сайин камайиб, айримлари тугаб бораётгани ҳам ҳақиқат.

▶ Давоми 3-бетда



Президент ташаббуси амалда

САЙХУНОБОД ТАЖРИБАСИ:

ТОМОРҚАЧИЛИК ОРТИДАН РИВОЖЛАНАЁТГАН ҲУДУД НАМУНАГА АЙЛАНДИ



Кейинги етти-саккиз йилдаги янгиланишларга назар ташласак, фикримизни тасдиқловчи жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Айтилик, бугун маҳалламизда илгари бўлмаган тадбиркорлик субъектлари вужудга келмоқда. Бунинг ортидан ён-атрофимиздаги ишсизлар ишли бўлпти. Натижада рўзгорига барака кириб, ҳаёти янада файзли бўлиб бораётди.

Яна қайсидир ҳудудда томорқачилик ривожланмоқда. Бир парча томорқасида меҳнат қилиб, шунинг ортидан уй қўтарётганлар, тўй қилаётганлар қанча! Бундан руҳланиб, ерга меҳр бераётганлар-чи? Энг муҳими, уларнинг ташаббуси, ғояси давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ишлаш, меҳнат қилиш учун зарур барча шароитлар яратиб бериляпти.

Президентимиз ташаббуси билан оммалаштирилатган тўрт ҳудуд тажрибаси одамларга ана шундай имкониятни тақдим этмоқда. Аҳолини даромадли, ишли қилиб, тадбиркорликка ундамоқда.

Жумладан, Сайхунобод тажрибаси томорқадан унумли фойдаланиш орқали яхши даромад кўришни кўзласа, Уйчи тажрибасида тадбиркорлар ва бизнес билан шуғулланиш истагидагилар билан манзилли ишлаш тизими яратилган. Гиждувон тажрибасида ма-

Мамлакатимиздаги ислохотлар бугун мазмун-моҳияти, мақсад-муддаоси билан “Инсон қадри учун” тамойили рўбига асосланган. Ўтган қисқа муддатда бу тамойилга таяниб қилинган ишлар самарасини ҳар бир соҳа, ҳар бир жабҳада рўй бераётган ўзгаришларда кўриб, билиб турибмиз.

Ҳаллада вертикал ўсадиган саноат бинолари ташкил қилиниб, уларда хонадонларда йўлга қўйилган, лекин кенгайиш имкони бўлмаган ишлаб чиқариш учун шароит яратилляпти. Туман даражасида катта лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган Зарбдор тажрибаси асосида эса саноат, савдо, хизмат ва замонавий агротехнологиялар йўналишида драйвер лойиҳа ишлаб чиқиши йўлга қўйилди.

Одамларни банд, хонадонларни даромадли қилиш, камбағалликни камайтиришга қаратилган мазкур тажрибалар амалиётга татбиқ этилганига унча кўп вақт бўлмади. Шунга қарамай, улар бугун анча оммалашди. Одамлар, тадбиркорлар тажрибалар аҳамиятини англаб етди. Нафақат тушуниб етди, балки ушбу йўналишларда амалий ишларни бошлаб юборганлар ҳам талайгина.

Шу боис, “Янги Ўзбекистон” газетасида ушбу тажрибалар самарасини ўз ҳаёти мисолида ҳис этаётган юртдошларимиз фаолияти ҳақида туркум мақолалар бериб боришга қарор қилдик. Газетамизнинг бугунги сонидан жой олган мақолалар Сайхунобод тажрибасига бағишланади.

Тахририят

▶ 4,5-саҳифада ўқинг.

Хаёлимда Сирдарё бир қадамлик йўл. Наридан борса икки соатда етиб олсак керак деган ўй ўтди фотомухбир ҳамкасбимни кутиш асносида. Шу боис, кун анча ёришганда йўлга чиқдик. Шаҳарда эса ҳар доимги тирбандлик. Соат миллари мўлжалимиздаги вақтни кўрсатганида биз ҳали манзилнинг ярмига етгандик. Аммо йўл олис туюлмади, чунки билганимиз яна боғия гап — Сирдарё Тошкентдан бир қадамлик жой, пойтахтга энг яқин вилоятлардан бири.

Нихоят Сирдарё деган катта ёзув кўринди. Вилоятга кириб бордик. Биз йўл олган манзил — Сайхунобод туманигача бир неча километрлик масофа қолди. Кетаверишда юртимиздаги энг катта дарёлардан бири — Сирдарёдан ўтдик. “Сирдарёнинг суви анча тўлибди, аввал қуриб, камайиб кетганди”, деди шеригим қувониб. Гапининг орасида бу йил ҳудудда деҳқончилик яхши бўлиши ва бошқа мулоҳазаларини ҳам қўшиб қўйди. Ҳар ҳолда дарёларда сувнинг тўлиб оққани яхши, ерларнинг унумдорлиги ортади, ҳосил мўл бўлади.

Азим дарё вилоятнинг Сайхунобод туманига яқин эканида ҳам маъно бордек. Ахир ҳудуд аҳли кейинги бир йилда ер билан тиллашининг ҳадисини олиб, деҳқончиликни тадбиркорлик даражасигача олиб чиқипти. Томорқадан унумли фойдаланиш, бозорбоп маҳсулотлар етиштиришда илгорилаб, агротадбиркорлар пайдо бўляпти. Одамлар катта ё кичик томорқасидан йилга 3-4 марта ҳосил олиб, доимий даромад манбаини яратмоқда.

Гап давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтган йилнинг март ойида йўлга қўйилган Сайхунобод тажрибаси ҳақида борапти. Унинг аҳамияти қисқа вақтда юртошларимиз тилига тушди. Шу билан бирга, маъмур туман аҳолисининг ижтимоий турмуш тарзи бүгун кўпчиликка қизиқ. Биз ҳам Сайхунобод тажрибаси қандай жорий қилинаётгани ва ўта оғир аҳволдаги ҳудуд қандай қилиб қисқа вақтда янги тажрибани омаллаштириш олигани билан қизиқдик.

Манзилимиз ва мақсадимиз Сайхунобод туман ҳокимлигида бирлашди. Бизни кутиб олиб, кун давомида ҳамроҳлик қилган Ўзбекистон маҳаллалар уюشمаси Сайхунобод туман бўлими бошлиғи Тоҳир ака Жавлонов ишни ушбу тажрибанинг йўлга қўйилиши ҳақида гапириб беришдан бошлади.

— Кечагидек эсимда, 2024 йилнинг 14 март кунни давлатимиз раҳбари вилоятимизнинг Сайхунобод туманига ташириб буюриб, томорқа ва уй хўжалиқларидаги имкониятларни тўлиқ ишга солиш орқали аҳоли даромадларини ошириш юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишида илк бор Сайхунобод тажрибаси ҳақида гапирди, — дейди Тоҳир Жавлонов. — Гап шундаки, тумандаги иқтисодий аҳвол анча оғир эди. Аҳолининг яхши яшаши, даромадли бўлиши учун имкониятлар етарли эмасди. Бандлик, камбағалликдан чиқаришга катта-катта маблағлар ажратилган, лекин уларнинг ҳаммаси ҳам тўғри йўналтирилмагани йиғилишда танқид қилинди. Йил сайин аҳвол оғирлашиб борган, иқтисодий жиҳатдан зарардаги ҳудуд эдик. Масалан, маҳаллий бюджет тушуми 27 миллиард сўм бўлса, харажати 67 миллиард сўмдан ошган. Яъни туман, асосан, давлат кўмаги ҳисобига “кун кўрган”, ривожланишдан анча орқада эди. “Бир сўз билан айтганда, Сайхунободда тадбиркорлик ўсмапти, янги Ўзбекистон нафаси сезилмапти”, дея таъкидлади йиғилишда давлатимиз раҳбари.

Бошқа томондан, одамларимизнинг асосий тирикчилиги чорвачилиқдан бўлиб, оиланинг эҳтиёжини таъминлашгагина хизмат қилган. Аҳолининг аксарияти доимий даромад манбаига эга эмасди. Томорқа ерлари ҳам шундай, одамлар ўз хонадонидидаги катта-катта ер майдонларидан даромад олиш, ҳатто ўз эҳтиёжлари учун фойдаланишни йўлга қўймаганди. Шу боис, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аҳолини даромадли қилиш бўйича Сайхунобод тажрибаси йўлга қўйилди. Бунда ҳар бир хонадондаги томорқа ва уй хўжалиқларини ишга солиш, улардан унумли фойдаланиб, йилга 3-4 марта ҳосил етиштириш, ҳудудда кичик саноат ва хизматлари йўлга қўйиш вазифаси белгилан берилди. Қолаверса, ҳар бир маҳалланинг драйвер йўналишидан келиб чиқиб, балиқчилик, асаларичилик, хунармандлик ва бошқа тармоқларни ривожлантириш керак эди. Асосий мақсад эса туман аҳолини мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда даромад топишга ўргатиш ҳамда ҳудуднинг ўз сармоясини оширишга қаратилган.

БОШЛАНИШ НУҚТАСИ

Кўпчилик давлатимиз раҳбарининг Сайхунобод туманига таширифини Иттифоқ маҳалласидаги 70 ёшли Рисолат опа Ғуломованинг хонадонига киргани билан ёдга олади. Салкам 52 йилдан буён тумандаги 21-оилавий поликлиникада тиббиёт ходими бўлиб ишлаб келган аёл 14 сотихли томорқасига меҳр бериб, турли маҳсулотлар етиштиради. Ҳовлисида чорва моллари, парранда боқадик, икки сотихли иссиқхонаси ҳам бор. Набираларини меҳнатга ўргатган, доим ёнида ёрдамчи.

Ташриф давомида Президентимиз опа билан суҳбатлашган, томорқани кўздан кечирган эди. Ҳатто энг намунавий хонадон дея эътироф этган. Бу учрашувни Рисолат опа ҳаётидаги энг унумлимас кун сифатида эслаб юради. Ҳамқишлоқлари ҳам ҳалигача ўша воқеани эслаб, оилага ҳавас қилади. Шунинг ортидан томорқасини эпаккага келтириб, маҳсулот етиштиришга тушиб кетган оилалар ҳам оз эмас.

Одамларнинг бу ҳавасига Сайхунобод тажрибаси доирасида бошлаб юборилган ишлар, бирин-кетин жорий қилинган имтиёзларга бўлган қизиқиш ҳам қўшилди. Муболага бўлса ҳам айтамыз, ташрифнинг эртасигаёқ барча мутасаддилар — ҳоким ёрдамчисидан тортиб, банклар ходимларигача хонадонлардан юриб, одамларга томорқадан фойдаланиш бўйича йўл-йўриқ кўрсатибгина қолмасдан, амалий ишларга киришиб кетдик. Қисқа вақтда катта-кичик лойиҳалар шакллантирилиб, банклар томонидан нақд пулда имтиёзли кредитлар ажратиб бошлаб юборилди. Бир неча соат ичида кредит пулини қўлга олганлар кўплаб топилди.

Шундай қилиб, вазифа аниқ қўйилди — Сайхунобод туманидаги 19 та маҳаллада истиқомат қиладиган 83 мингдан зиёд аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, ҳудуднинг иқтисодий ривожланишини ўстириш керак. Талаб ҳам, сўрови ҳам қаттиқ бўлиши тушунилди. Орадан бир неча ой ўтиб, 2024 йилнинг май ойида Президентимиз раислигида ўтказилган йиғилишда Сайхунобод тажрибаси таҳлил қилиниб, апрель ойининг ўзида маҳаллаларда 70 мингта лойиҳа амалга оширилиб, 465 минг гектар томорқага экин экилган, 365 минг аҳоли бандлиги таъминланганига қарамай, ишлар ҳамма ҳудудларда ҳам бирдек ташкил этилмаётгани танқид қилинди. Жойларда Сайхунобод тажрибасини жадаллаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Кўпчилиكنи ўзи Сайхунобод тажрибасининг моҳияти, бошқа тажрибалардан фарқи нимада, наҳотки оддийгина томорқадан фойдаланишни тадбиркорлик даражасигача олиб чиқиш мумкин, одамларда бу борадаги

мотокультиватор тарқатилди. Бунинг натижасида аҳоли томорқаларидан уч мартагача ҳосил олиш тизими жорий этилиб, 1400 гектари ёки 41 фоизда уч марта ҳамда 1800 гектари ёки 53 фоизда икки мартагача ҳосил олишга эришилмоқда.

Сайхунобод чўл зонаси бўлгани сабабли асосий логистика йўлларида четда қолган. Табиийки, бошқа чўл зоналаридаги аҳоли каби бу ердагилар ҳам кўпроқ чорвачилик билан шугулланиши фақатгина “тирикчилик” бўлиб, унинг ортидан ҳар бир оила ўз эҳтиёжларига аранг етдиган озука топган ва минимал даражада даромад кўрган. Шу боис, иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича шароити ўртачадан паст, лекин ички имкониятлари катта бўлган ҳудуд сифатида танлаб олинди, давлатимиз раҳбари томонидан тажриба ташаббуси таклиф қилинди. Бу ташаббуснинг моҳияти бир неча йўналишлардан иборат. Хусусан, томорқа ва ёрдамчи хўжалиқлардаги ер ресурсларига тадбиркорлигининг энг биринчи таянчи ва даромад манбаи сифатида қаралиши, ҳудуддаги чорвачиликни эндиликда деҳқончилик, бодзорчилик, асаларичилик, балиқчилик ва бошқа тармоқлар имкониятларини ривожлантириш билан тўлдириб, тадбиркорлигини ривожлантириш, турли сабабларга кўра имконияти чекланган оилаларда минимал даромад манбаини яратиш қабиллар шулار жумласидан.

Шунингдек, маҳаллаларнинг драйвер йўналишлари танлаб олинди, тармоқларга ихтисослаштириш ҳам ҳаракатларимизнинг бир қисми. Туманда олдиндан чорвачиликка ихтисослашган бир неча маҳалла бор. Бошқа маҳаллаларда эса балиқчилик, гулчилик, хунармандлик омаллашапти. Қайси йўналиш бўлмасин, лойиҳаларни шакллантиришда бевоасита иштирок этиб, натижа бўлунга қадар аҳолига кўмаклашимиз. Ҳоким ёрдамчилари “1 сотих томорқадан камиди 1-2 миллион сўм даромад” мезони асосида бизнес-режа ишлаб чиқади. Истиқболли лойиҳаларга банклар томонидан тез муддатда имтиёзли кредит ажратилди. Тумандаги 19 та маҳалланинг ҳар бирига бириктирилган агрономлар томорқа ёки иссиқхонага экин экишдан то маҳсулотни сотишгача бўлган жараёнда иштирок этади. Агрономлар учун ойлик маош ҳам тўланади. Қолаверса, туманда экспортга кўмаклашувчи корхона очилиб, хонадонларга серҳосил қовоқ, мош, ловия, розмарин, брокколи, тимиан уругини етказиб берапти, етиштирилган маҳсулотни сотиб олиб, экспорт қилади. Хонадонлар кооперация асосида экспортчи билан боғлаб берилади. Туманда 2 минг тонналик сифмига эга сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш комплекси ташкил этиш кўзда тутилган. Умуман, Сайхунобод тажрибаси ердан янада самарали фойдаланиш, деҳқонлар учун бозор топишга кўмаклашиш, тадбиркорларни сифатли уруғ ва дори воситалари билан таъминлаш, экспортга амалий ёрдам бериш, ер муносабатларини шакллантириш каби муҳим ислохотларни ўз ичига олади.

ЙИЛДА 3-4 МАРТА ҲОСИЛ

Бу борадаги ишлар гўё Иттифоқ маҳалласидан бошланган эди. Ҳар ҳолда ушбу тажриба ҳақида гап кетса, дарров шу маҳалла тилга олинади. Маҳалламиздаги 1165 та хонадонда 7 мингта яқин аҳоли истиқомат қилади. Оилаларнинг аксари олдиндан хонадонда деҳқончилик қилиб, чорва моллари боққан. Аммо бунинг самарадорлиги ниҳоятда паст экани айтилади. Боиси, томорқага, асосан, моллар учун емиш бўладиган беда ёки маккажўхори экилган. Ҳатто кундалик учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларини сотиб олиб истеъмол қилишган.

Қиш бўлишига қарамасдан, иссиқхонамиз ичи маҳсулотлар билан тўла. Бир томонда лимон пишиб турибди, бошқасида турли кўкатлар, редиска ўсмоқда. Ташқарида ҳаво анча салқин, аммо иссиқхона ичи иссиқдан ҳатто бўғланган. Бироқ бу табиий иссиқлик, иссиқхонага уч қават плёнка ёпилиб, термос қилинган. Иситиш тизими мавжуд бўлмаган шароитда шу усулдан фойдаланиб, қишда ҳам маҳсулот етиштиряпмиз, йилга 3-4 марта ҳосил олиш тажрибаси шаклланди. Меҳнат қилса, иссиқхонадан ҳам яхши даромад топса бўлади. Ҳамма гап қилаётган ишининг тушуниш ва меҳнатда. Масалан, бизнинг иссиқхонадаги маҳсулотларни етиштиришда деярли катта харажат йўқ. Аммо тўғри парваришлаб,

кўп ҳосил олиш орқали мақсадга эришиш мумкин. Муҳими, томорқа бўш ётмайди, қиш-ёзн иссиқхонада етиштирамиз. Тўғри, иссиқхонада помидор, булғор қалампир каби сабзавотлар етиштирилса, кўпроқ даромад олиш мумкин. Бунинг учун иситиш тизими зарур. Бир неча йиллар олдин иссиқхонада газ батареялари бўлган, аммо иситиш имкони бўлмагани сабабли олиб ташлаганимиз. Лекин табиий усулда иситиш ҳам анча самарали, харажати кам бўлади. Фарзандларим давлат ишида ишлади, бироқ уларнинг ҳам хонадонда иссиқхона бор. Деҳқончиликни ўрганиб катта бўлган, томорқани бўш қўймай, қўшимча даромад олишга интилади.

Мамадали ТИЛЛАЕВ,
“Иттифоқ” МФЙ фуқароси

ТОШКЕНТГА КЕТИШНИ ЎЙЛАМАЯПМИЗ

“Ер — ҳазина”, деб бежиз айтилмаган. Унга меҳр берилса, оғир меҳнат эмас, балки қўшимча даромад манбаи сифатида қаралса, ҳатто кичик томорқа ортидан ҳам тадбиркорга айланиш мумкин. Бу гапларимнинг муболагаси йўқ. Чунки бунга ўз ҳаётим мисолида гувоҳ бўлдим.

Ўрта маълумотлиман. Оилали, 2 нафар фарзандим бор. Ишсизлигим сабаб “Аёллар дафтари”да турардим. Ҳокимиятга тинимсиз қатнаб, оилавий аҳволим оғирлигидан нолиб, мутасаддилардан тузукроқ иш сўрадим. Таклиф қилинган ишларнинг бари 1 миллион сўм ойлик маошли эди. Бу олти киши истиқомат қиладиган хонадон учун жуда оз. Шу сабаб таклиф этилган ишларни рад этардим. Бу ёқда эса оилавий шароитим кундан кунга оғирлашиб борарди. Рўзгорни тебратиш учун бировларнинг уйида ишлаб, тирикчилик қилдим. Аммо бу ҳам доимий бўлмади, оилада эса кам-кўстнинг тағи кўринмасди. Охири эр-хотин келишиб, Тошкентга йўл олдик. Бир оилага ишчи бўлиб жойлашдик. Ўша ерда яшаб, ишладик. Ўйга бир ойда бир келиб кетардик, фарзандларимга эса қайнонам қараб турарди. Биз ишлаган хонадон гулчилар оиласи эди. Мен гул парваришига қарардим, эрим эса хонадон эгаси билан бозорга чиқарди. Шу тақдир орадан тўрт йил ўтди. Бу орада эр-хотин ҳам гулчиликни анча ўрганиб олдик. Шу ишни ўзимиз бошлашга

қарор қилиб, март ойида Сайхунободга қайтдик. Жамгарган пулларимизга оқ ромашка гулини олиб, томорқамизнинг 10 сотих қисмига эдик. Маболагимиз озоқ бўлгани учун иссиқхона қилмасдан, очик майдонда иш бошладик.

Давлатимиз раҳбарининг туманимизга ташрифидан сўнг хонадонимизга бир гуруҳ мутасаддилар келиб, ишимизни кенгайтиришимиз учун имтиёзли кредит таклиф қилди. Ундан аввал аҳолига кўплаб имконият, имтиёзлар берилаётганини эшитиб қувонгандик. Таклиф маъқул келиб, 33 миллион сўм нақд пулда кредит олиб, 7 сотих иссиқхона қурдик. Шу пулга хризантема гули кўчатларини ҳам олиб эдик. Олти ой ичида 47 миллион сўм даромад қилдим. Аввалроқ эккан оқ ромашкам эса 27 миллион сўм даромад келтирди. Бирор ишни тушуниб, тўғри ишлаш олсангиз, яхши пул топиш мумкин экан. Бир йил олдин ҳам оддий ёлланма ишчи эдим. Бугун эса ўз гулчилик бизнесим бор. Шу кичкина иссиқхона билан Гулистон, Бахт шаҳарларини гул билан таъминляяман. Ҳатто Тошкентдан келиб, гул олиб кетадиган харидорларим бор. Маҳалладаги дўконларга букет гуллар тайёрлаб бераман. Асосийси, ишимдан ҳам завқ ҳам даромад топишман. Оилам бағрида, фарзандларим ёнидаман. Турмуш ўртоғимга ҳам кредит асосида мотокультиватор берилган эди. Қўшниларнинг ерини ҳайдайди, кунлик даромади бор. Кредитларимизнинг баҳор ойигача бўлган тўловларини қилиб қўйганмиз. Оиладаги шароитларини анча яхшилаб олдик. Аллоҳга шукр, камимиз йўқ. Энди Тошкентга кетиш ҳақида умуман ўйламаймиз.

Дилфуза ТОЖИБОЕВА,
“Тулбулоқ” МФЙ фуқароси

УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ТАЖРИБАСИ: ХУДУД НАМУНАГА АЙЛАНДИ



ХОНАДОН ЭГАЛАРИ — ТАДБИРКОР

Сайхунобод тажрибаси доирасидаги ишлар томорқадан фойдаланиш самарадорлигини оширишни одамларга тушунтиришдан бошлангани бежиз эмас. Чунки маҳсулот етиштиришнинг ҳам йўл-йўриги бор, яхши даромад олиш учун деҳқончилик кўникмасини эгаллаш билан бирга бозор талабига мослашиш керак. Маҳаллаларга бириктирилган агрономлар ҳар бир оиланинг кизиқиш, имкониятларидан келиб чиқиб, даромад келтирадиган маҳсулотлар етиштиришни тавсия қилади. Томорқа ва иссиқхоналарга сабзавотлардан помидор, булғор қалампири, кўкатлар экила бошланди. Очик майдонларда пиёз етиштириляпти. Ҳатто иссиқхонада сабзи, томорқаларда экспортбоп ошқовоқ етиштириш бошланди.



10 тонна ҳосил олиш мумкин. Бунга аҳоли, хусусан, ўзим ҳам гувоҳ бўлдим. Ишонсангиз, томорқамга атиги 7 дона қовоқ уругини эккандим. Шундан 140 дона ошқовоқ олдим. Ортиқча харажати ҳам, меҳнати ҳам йўқ. Маҳаллий аҳолига ошқовоқ етиштириш жуда маъқул келди. Бир фуқаро 10 сотих ерга экиб, 10 миллион сўм даромад топди. Шу боис, ҳудудда ошқовоқ етиштириш ҳам оммалашиб борапти.

Сайхунобод тажрибасининг ўзига хослиги ҳам шунда — ҳар бир иш аниқ билим, тавсия ва имкониятларга асосланади. Кредитлар ҳам фақат мақсадли лойиҳаларга ажратилляпти. Бирор лойиҳа таклиф этилгани, дарҳол ўрганишга киришамиз, истиқболли бўлса, қўллаб-қувватлаймиз. Чунки мақсадсиз олинган кредитлардан, аввало, одамларнинг ўзи зарар кўради. Ишчи юришмаса, кредитни ҳам тўлолмай, қарзга ботади.

2024 йил март ойига қадар ушбу тумандаги аҳоли хонадонларида 100 га яқин иссиқхона бўлган. Сайхунобод тажрибаси йўлга қўйилиб, томорқадан самарали фойдаланиш йўналишлари белгилангач, кўпчилик иссиқхонада маҳсулот етиштиришга кизиқиш билдирди. Чунки бунда ҳосилдорлик юқорироқ бўлади, бир мавсум эмас, балки йилда 3-4 марта маҳсулот етиштириш мумкин. Бирин-кетин иссиқхона қуриш учун одамларга нақд пул шаклида имтиёзли кредитлар ажратилиши бошланди. Ҳозирги кунга келиб, туманда иссиқхоналар сони 800 тадан ошди.

Муҳими, кредит олган фуқаролар ўз ҳолига ташлаб қўйилмайди. Ҳар бири билан маҳаллага бириктирилган агроном иш олиб боради. Иссиқхона қуруви таъминотини топишдан тортиб, бозорбоп маҳсулот танлаш, етиштириш, сотишгача кўмаклашади. Қолаверса, фуқаролар йиғинлари томонидан ҳар бир хонадондаги томорқада етиштирилган маҳсулотлар миқдори, уларнинг сотилиши, аҳолининг даромадлари қатъий назоратга олинган. Ҳаракат бесамав кетмаслиги, олинган маблағ ўзини оқлашига интиляпти, мақсадимиз — одамларни даромадли қилиш.

Шоирахон ШАМАТОВА,
Савдо-саноат палатаси Сайхунобод туман бўлими раҳбари



ҲАР БИР МАҲАЛЛАНИНГ ЎЗ ДРАЙВЕРИ БОР

Томорқа ва иссиқхоначилик Сайхунобод тажрибасининг бир қисми, холос. Ташаббус ортидан маҳаллаларда ихтисослашув, яъни одамларнинг кизиқиш ва имкониятларидан келиб чиққан драйверларни белгилаб олиб, ривожлантириш ҳам жадаллашди. Масалан, Пахтакор маҳалласи узумчиликка, Нурли йўл маҳалласи иссиқхонага, Ўрикзор ва Янги ҳаёт маҳаллалари балиқчиликка ихтисослаштирилди. Туманда тармоқлар кўпайди, уй саноати ривожланди. Одамлар бир-бирдан ўрганиб, ҳавас қилиб янги лойиҳаларга қўл урмоқда. Тажриба нафаси кўпчилиكنи уйғотгани рост.

Ўрикзор маҳалласида истиқомат қиладиган Қобулжон Сатторқулов балиқчиликка қизиқа бошлагач, китоблар, интернет манбалари орқали йўналишнинг сир-асрорини ўрганди. Утган йилнинг бошида озгина тўпала маблаг ҳисобидан қуруқ ерга бассейнлар қуришни бошлади ҳам. Энди ишни юргизиб юбориш учун ердан керак. Давлатимиз раҳбарининг Сайхунободга таширидан сўнг бу масала бирданига ечимини топди. Ҳоким ердამчисининг ўзи Қобулжон аканинг хонадонига келиб, кредит олишни таклиф қилди. Қисқа вақтда 100 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бу маблағ эвазига чала қолган ишлар тугалланиб, май ойида 10 та сунъий сув ҳавзасига 10 минг дона Африка лаққаси човоғи ташланди.

У касалликка чидамли, муҳитга тез мослашади, асосийси, кичкина жойда ҳам кўп етиштирса бўлади. Етиштириш давомида ташланган човоқнинг 30 фоизи йўқолган тақдирда ҳам, даромад ўзини оқлайди. Масалан, балиқ човоғининг донаси 1000 сўмдан бўлса, тайёр балиқнинг килоси бозорда ўртача 20 минг сўмдан сотилганда ҳам кичик бассейнлардан 50-60 миллион сўм топса бўлади. Балиқчилик даромадли йўналиш, фақат парваришни тўғри ва ўз вақтида олиб бориш керак. Ҳамма ишда ҳам билим ва меҳр билан ёндашилса, натижаси кўринади. Фуқаро кейинчалик сазан, осётёр балиқларини етиштириш нияти ҳам бор. Балиқлар учун зарур емни хонадонидида ишлаб чиқаришни режалаштирган.

Умуман, туман аҳли маҳсулот етиштиришда анчагина тажриба тўпалапти. Яқин йилларда ана шу маҳсулотни қайта ишлайдиган корхона, заводларга эҳтиёж ортади. Туманга аллақачон кичик ишлаб чиқаришлар кириб келган. Улар, ўз навбатида, катта қувватлар, саноат ривожига йўл очиб берди. Шу вақтгача бўш турган кўплаб бинолар бирин-кетин ишга туширилмоқда.

Гап шундаки, бу биноларга аввал имтиёзлар бўлмаган. Давлатимиз раҳбари ташрифи давомида ана шу бўш турган бино-ишоотларнинг нархларини тушириб, имтиёзлар қўллаш топширигини берди. Шундан сўнг туманга инвесторлар оқиб кела бошлади. Аҳоли ўз маҳалласига инвестор келиб, катта корхоналар қуришни тасаввур ҳам қила олмаган. Бугун эса шуларга ўзи гувоҳ

бўляпти. Янги ҳаёт маҳалласида афғонистонлик инвесторлар томонидан қуриляётган паррандачилик комплексида 100 нафар иш ўрни яратилди. Турон маҳалласидаги йиллар давомида бўш турган ташландиқ бино ҳам яқинда катта ишлаб чиқариш корхонасига айланади. Ҳудудда етиштирилган маҳсулотлар сотиб олинди, шу ерда қайта ишланади. Туманда шу кунгача 3 та паррандачилик комплекси ҳам ташкил этилди, яна биттиси ишга тушиш арафасида. Бундай қувватларнинг яратилишини Сайхунобод тажрибасининг иккинчи қисми дейиш мумкин.

Бу тажриба шунчаки тилда айтилаётган ташаббус эмас. Одамлар ундан қанчалик тўғри фойдалана олаётгани муҳим, албатта. Аммо янада муҳими шундаки, Сайхунобод тажрибаси битта туман мисолида бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш, имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш, ўзгаришлар нафаси ҳар бир хонадонга кириб боришини таъминлашга қаратилган. Бу эзгу гоя ортида одамларимиз тўқин яшасин, камбағаллик бўлмасин, ҳар бир оила тадбиркорга айлансин деган мақсадлар мужжасам. Ўта оғир ахволдан аста-секин чиқиб, ривожланиш томон ҳаракатланаётган Сайхунобод тумани ва бўш ўтирмаётган шу ерлик аҳоли бунинг яққол мисолига айланмоқда.

Тоҳир ЖАВЛОНОВ,
Ўзбекистон маҳаллалар уюшмаси
Сайхунобод туман бўлими бошлиғи

**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**



ФАҚАТ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ЗАРУР

Сайхунобод тажрибаси ортидан туман аҳли томорқадан унумли фойдаланишнинг ҳадисини олди. Бугун уларнинг аксари йилда бир неча маротаба ҳосил йиғиштириб, яхшигина даромад топяпти. Кимлар учун бу қўшимча маблағ манбаига айланган бўлса, бошқалар агротадбиркор даражасигача чиқа олди.

Масалан, ҳовлимизда 10 сотих томорқа майдони бор. Шундан 4 сотихидаги кичик иссиқхонада сабзи етиштирамиз. Аввал иссиқхонамиз кичикроқ эди, давлатимиз раҳбарининг туманга таширифидан кейин банкдан кредит олиб, кенгайтирдик. Шу жойнинг ўзидан йилда икки марта ҳосил оламиз. Май ойи охирида сабзини йиғиштириб, маккажўҳори экамиз. Томорқанинг очик майдонига баҳорга яқин картошка уруғи қадалади. Томорқа қўшимча даромад манбаи. Ўзим бозорда савдо қиламан, кичик дўконимиз ҳам бор, аммо маҳалла ичида савдо бир оз суст бўлгани сабабли тўхтаб турибди.

Оилада ягона боқувчиман. Отам касаллик сабаб 9 ойдан бери тўшака

михланган. Онам кексайиб қолган, да-лада ишлашга қийналади. Болаларим эса ҳали кичкина. Ўзим ўрта-махсус таълимни тамомлаб, бир муддат мактабда жисмоний тарбия фанидан дарс бердим. Ойлик маош билан рўзгорни тебратишга қийналиб, ўзимни бозорга урдим. Томорқа қўшимча даромад манбаи, янада кўпроқ фойда олишимиз мумкин, аммо унда ишлайдиган одам йўқ. Шу боис, олган кредитимизни тўлашга қийналиб қолдик. Аммо нолимайман, “Худо бераман деса, деҳқончилик бир йилда”, фақат ҳаракат қилиш керак.

Умиджон ХУДОЙБЕРДИЕВ,
“Олғабос” МФЙ фуқароси



Кун давомида Сайхунобод бўйлаб қатор маҳаллаларни айландик. Йўлларнинг анча таъмирталаблтигидан бир оз шикоят қилган ҳам бўлдик. Мавсумдаги ёнгингариликлар йўллардаги нотекисликни янада яққолроқ кўрсатиб қўйгандек. Аммо хонадонларда томорқалар тўлиқ киши-ки “уйку”га кетмаган. Баъзи иссиқхоналарда маҳсулотлар пишиб турган бўлса, айримларида кўчатлар экилиб, парваришланаяпти. Аҳолининг аксари томорқасини янада кенгайтиришга талабдорлигини кўрди. Одамлар деҳқончилик, томорқа ва иссиқхонага аввалгидек ҳафсаласизлик билан эмас, балки даромад манбаи сифатида қараляпти. Оддий инсонлар қисқа вақтда тадбиркорга айланаётганига туман аҳлининг ўзи яққол мисол. Шубҳасиз, бу тажриба яқин йилларда юртимиз бўйлаб кенг оммалашади.

Ҳамроҳимиз Тоҳир акага “Туманда тадбиркорларнинг кўпаяётгани яхши, даромади ортса, мана шу йўлларни ҳам текислашга ҳисса қўшади”, деб эзгу ният билдирдик.

**Қўш саҳифани “Янги Ўзбекистон” муҳбири
Ирода ТОШМАТОВА тайёрлади.**

Иброҳим Ғафуров ўзининг бекиёс ижодий ва ижтимоий фаолияти билан эл-юртимизга жуда катта хизмат қилган улўғ замондошимиздир. Ишонаманки, у киши бундан кейин ҳам ўзининг янги-янги гўзал ва баркамол асарлари билан барчамизни, бутун халқимизни хушнуд этади.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

МАЪНАВИЯТ УЎҚЛАРИНИ ЁРИТУВЧИ ИЖОД



**УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!**

Нашр этила бошлаганига 5 йил тўлиши арафасида турган “Янги Ўзбекистон” газетасининг фаол, кўйинчак ва садоқатли бир муаллифи бор. Бу — Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Гафуров. Унинг мақолалари, эссе ва суҳбатлари мишгарийларимиз кутиб, соғиниб мутлола қилади. Негаки юксак тафаккур эгаси бўлиш бу закий инсоннинг доим одамларга айтидиган ўз гапи бор. Гапки, салмоқли ва залворли.

“Ватанпарварлик ва миллатпарварлик сингари эътиқодий ҳодисаларни ҳам фақат маънавий билан чамбарчас бoлгaнaн ва ундaн зaррaчa айрилмaгaн ҳoлдигeнaн тyшyнyш, шyнгa ярaшa сaъй-ҳaрaкaтдa бyлyш бир ҳaлк yчyн чyн мyъжизaлaр ярaтaдy. Мaънaвиятдaн мaхрyм вaтaнпaрвaрлик ва миллатпaрвaрлик ўз-ўзинигeнaн кyр-кyрoнa сeвишa, дoғмoдoрликлa, тaкaбyуруликлa oлиб бoрaдy, аслиги oлгaндa, тaкaбyуруликнинг жaҳoлaтдaн сирa фaрқy ийy. Тaкaбyурулик нaм, жaҳoлaт нaм, ўзгaрлaр ҳaм-ҳyқyқyуруларини мeнсимc-лик, бeгисaндлик ҳaм мaънaвиятсизликдaн ҳoсил бyлaдy”, дeб эъaдy Ибoҳoҳим Ғaфyрoв мaқoлaларининг биридa.

Яна бир нарсa билан мактаниш мумкин. Адабиётшунос, мунаққид, таржимон устоз нафақат “Янги Ўзбекистон” газетасининг муаллифи, балки эъзиз қилнағетини қўлбa мақолаларининг ҳаётимони ҳамдир. Ўтган йили нашрининг 4 апрель санасидаги сонидa Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Ашурaли Жўраевнинг “Иброҳим Ғафуров ва китоб” эссеси чоғ этилган эди. Иброҳим ақсаниннг ҳаёт йўли, илм захматлари, уни юксак мавғега кўтарган омиллар таҳлилига бағишланган мақола қўлбa эътирофларга сабаб бўлди.

Адабий жамоатчилик Иброҳим Ғафуровни ўзбек таржимачилик мактабининг муносиб давомчиси, уни янада юсак погоналарга олиб чиққан таржимон сифатида билади ва ҳурмат қилади. У Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Иззат Султон, Озод Шарофиддинов, Матёқуб Қўшжоновнинг юсак маҳорат билан яратиб

мукофотининг шарафли нишонларини муносиб тарзда тақиб, халқаро таржима анжуманларида фаол иштирок этадилар, бу умуминсоний маданият равнақига ўз эътиборли ҳиссаларини қўшиб борадилар, — дейди қаҳрамон мунакқид.

Кеча Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида

Ўзбекистон Республикаси санъат арбобининг таваллудига 88 йил тўлиши муносабати билан бўлиб ўтган “Иброҳим Ғафуров — адиб, мунаққид, таржимон” мавзусидаги илмий-адабий анжуманда иштирок этиб, ҳаёлимиздан шундай гаплар ўтди.

Адабий кечада сўзга чиққан таниқ-
ли ёзувчи, шоир, мунаққидлар Иброҳим
Ғафуровнинг ибратли ҳаёт ва ижод йўли ҳа-
қида, бугун ҳам шогирд ҳамда сафдошлари-
га бериб келаётган сабоқлари борасида дил
сўзларини изҳор қилди. Унинг публицист,
таржимон, таҳрирчи, муҳаррир, адиб си-
фатидаги маҳорати ва меҳнатлари эътироф
этилди.

— Иброҳим ақадин бадий ижоди ҳақида кўп айтилди, — дейди Узеиристонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таржиманунос олими Зухриддин Исомиддинов. — Мен унинг газетачилик фаолияти, мақолалари ҳақида тўғултамоқчиман. Газетани қандай шал-шамойилда чиқариш, мақолани қандай ёшл ва таҳрир қилиш бобода ҳам у бarchага намуна. Иброҳим Фағуров имзоси билан ёзилган мақолаларини мақола дейишнинг ўзи етарли эмас — унинг маънавиятимиз уфқларини ёритувчи мақолалари ижодий жазави билан ёзилган ва манифест даражасига чиққан ижод намуналаридир.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ

ЁХУД ОДАМИЙЛИК САБОҒИДА ҲОЛИМИЗ ҚАНДАЙ?

Кейинги вақтларда жамиятимизда ҳуқуқий саводхонлик бир қадар юксалди. Ўтган йилги сайловларда партиялар ғолиб бўлиш учун керагича ҳаракат қилди, ҳар бир фуқаро овози учун муносиб курашди. Бундан хулоса қилиш мумкинки, одамлардаги бефарқлик ҳисси камайиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, фуқаролик позицияси шаклланипти.

Ўтган якшанба рўзгорга бозор-ўчар қилиб, автобусда қайтаётиб, қизиқ бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдим. Ёши элликлар чамасидаги йўловчи аёл беозор енгимдан тортди:

— Яхшимисиз, болажоним? Йўлкартам уйда қолиб кетибди. Сиз ўзингизникидан тўлаб тура қолинг, мен сизга нақд пул бераман.

— Хўп, — дедим ва ўзимнинг картамдан у учун ҳам тўладим.

— Раҳмат, опа. Ҳозир камерада сизни картасиз олиб кетаётганим кўринса, менгаям жарима ёзиларди, — деди.

— Сизникиям иш, болам, тўғри тушунаман: ҳаммада бола-чақа, уй-рўзгор бор. Етимнинг ҳақи, мусофирнинг ҳақи ва йўл ҳақини бермаслик ёмон, деб айтишади-ку. Давлатимиз шунча шароит қилиб берди, биз ҳам шунга мос бўлишимиз керак.

Аёлнинг бундай вазиятда йўловчи сифатида ўзи ва ўзгалар учун оқилона йўл тутганини кўриб, хурсанд бўлдим. Бу юртдошларимиз орасида фуқаролигини теран англайдиган, ҳуқуқ ва мажбуриятларини яхши билидиган одамлар сони ошиб бораётганидан дарак беради. Қаранг, яқинда йўл ҳақини тўлаш тартибига қиритилган ўзгариш жамият учун нечоғлиқ муҳимлигига эътибор берапти. Демак, жамиятда фуқаролик позицияси ошиб борапти.

Бир қарашда жимжимадор иборга ўхшаб кўринадиган фуқаролик позицияси ҳақида қисқача тўхталик. Фуқаролик позицияси одамларнинг ўзи мансуб жамият қонуни-қондаларига амал қилиш асосида рияз этадиган бурч ва масъулият, айни чоғда жамиятда қонунадилуни ишлаши натижасида эга бўладиган ҳуқуқ ва ваколатлариدير. Масалан, мазкур оддийгина ҳаётий ҳолат одамларнинг ўзи ва бошқалар олдидаги бурч ва масъулияти нақалар ошиб боабётганини кўрсатади.

Ўз-ўзидан ойдинлашадики, тараққиёт кучли тартиб, одамларнинг янгиллики қабул қилиши ва бурчини ҳис этиши орқали таъминланади.

Жорий йилнинг Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва “яшил” иқтисодиёт йили деб номланиши ҳам ғуқуаролик позициямизни яна бир бор намойиш қилиш кераклигини англатади. Баъзан кўча-кўйда, ариқларда ёҳуд бошқа жамоат жойларида чиқиндилар кўзга ташланиши одамнинг кўнглини хижил қилади.

“Поклик — ярим имон”, дейди доно халқимиз. Минг йиллар давомида ариқларимиз ҳашар йўли билан тозаланган. Бу ҳам қайсидир маънода халқ бирлигининг рамзи. Шунингдек, фуқаролик позициясининг муҳим белгисидир. Бугунги замонавий дунёда бу амалларнинг куни тугагандай кўринади.

Аммо ободликка ҳисса қўшиш ҳар бир инсоннинг бурчи бўлиб қолаверади. Зеро, тозалikka, табиатни асрашга муҳаббат халқимизнинг шүүрида бор хислат.

Маашукур ёзувчимиз Шуккур Холмирзаевнинг “Ўзбек бобо” деган ҳикояси бор. Унда лафзи ҳалол, ёлгондан ҳазар қиладиган, бировининг ҳақиқига хиёнат қилмайдиган мард бобо ҳақида сўз боради. Уни ўқиб, шундай боболари борлигини фахрланибди киши. Ўзбек бобо уйсиз қийналиб юрган Қисматуллога бутун бошлиқ ҳовлисини яшаш учун беради. “Шундай кунда ярамаса, эл нега керак?!” дейди қаҳрамон тилидан ёзувчи. Унинг бутун турши-турмуши ҳамма-миз учун бемалол ўрнак бўлади.

Кишлолорда ҳар йили баҳор келиши билан ўтказиладиган ошхондӣ деган анъана бор. Унга кўра, ҳар уйнинг бир эркак чикиб, қабристонларни тозалаш, ариқлар қазिश, акиси умумий нишотларни таъмирлаш ишларини қатнашади. Буларни бажариш ҳақ қайси қонун ёки ҳужжатда акс этмаган, аксинча, ота-боболардан келаётган қадрият ўлароқ одамлар руҳиятига таъбиий синган. Ўзининг одамларда бир авлод сифатида қадриятларга ҳа ҳурмат, айна қонда ўз уйининг ўзинг асра қабилдаги масъулият туйғуси яшаб келган.

Ҳашар йўли билан ҳал бўладиган бундай ишларга қўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Аммо яна бир жиҳат бор: айрим вазиятларда баъзи юрдошларимиз қонун ва қоидаларга, тартибларга беҳурматлик қилаётганлигини, уларни четлаб ўтишга уринаётганини кўриб, ҳайрон қоласиз қилиш. Наҳот улар ҳар бир тартибсизлик бумеранг сингари олисга кеткандай қўришса-да, ўзига қайтиб келишини тушунмайдилар?! Яъни бугун қандайдир қайсидир қонунини четлаб ўтатишиб, бу жамиятда заңкир ҳалқасини ҳосил қилади ва айланб ўша қонунобузларнинг мафсаатини ҳимоя қилиши керак бўлган жойда панад беради.

Хазрат Алишер Навоийнинг бундай байти бор:

Одами эрсанг демасил одамий,
Ониким йўқ халқ гамидин гами.

Навоий бобомиз киши шундай яшashi керакки, унинг халқ таъшишидан ортиқ гами бўлмаслиги лозим, деярпти. Биз фикримиз аввалидан бери айтомқachi бўлган фуқаролик позицияси асли маъна шу эди...

**Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-146.

35033 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

тортиб, йирик буюмларгача маҳаллий нарх-дан асра қиммат сотилгати. Бу эса нафақат Азиза Тоқиева, балки барча ҳунармандлар фойдасига, туризм ривожига хизмат қилади. Урин келганида айтиш жоиз, яқиндагича дунёнинг энг нуфузли нашрларидан бири — АҚШнинг “The New York Times” газетидан 2025 йилда таъшир бўлишига ариздиганга 52 та жой рўйхатини эълон қилди. Ушбу рўйхатда Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларида Бухоро тарихий маркази 22-ўрини эгаллади. Рўйхатда шалқаро ва ўзбекистонлик жодокорлар ишторикида ўтказилган режалаштирилган биринчи Бухоро биенна-леси ҳақида батафсил маълумот келтирилган. Таъдир жорий йилнинг 5-20 ноябрь кунлари шаҳарнинг тарихий ҳудудида ташкил этила-ди ҳамда замонавий санъатга бағишланади. ЮНЕСКОнинг Умумжаҳон мероси объек-ти сифатида эътироф этилган бу шаҳар бий тарихи, ҳунармандлар ва шоирлари билан дунёга машҳур. Таъдир меҳмонлари учун қайта таъмирланган карвонсарой услибда-ги меҳмонхоналар, мадрасалар ва кўп аср-лик ислом меъморчилиги дурдоналари катта қизиқш ўғитишни кутилмоқда. Ўзбекистон туризмнинг кўрм бўлган қадим Бухоро ҳу-нармандлари айна таъдирда ҳам қўл меҳнати маҳсулларини кент намойиш этади.

Бухоролик ҳунарманд Азиза Тожиева ҳақида ушбу битикларни ёзаётган пайтимиз наманганлик 8-синф ўқувчисининг кулликни ишларини дубайликлар сотиб олгандан хабар топдик. Унинг муваффақияти мақоламан мавзусига боғлиқ бўлгани учун Моҳинисо Баротбоева ҳақида ҳам қисқача айтиб ўтгимиз келди.

Олти ёшдан буён куллик билан шуғулланиб келаётган Моҳинова Янгиқўрғон туманидаги 68-мактабда ўқийди. Она томондан боболари таниқли хунарданлар бўлган. Шу боис, қизда ўзгача дид, ноодатли услуб билан декоратив буюмлар ясаш қobiliяти бор. Куллик буюмларни ясада у, асосан, шомат лойидан фойдаланади. Хунари оракдан шу кунгача 20 миллион сўмдан ортиқ даромад топи.

Махсуслотлари билан юзлаб танловда қатнашган Моҳиниси беш йилда буён "Камалак юлдузлари" танловда биринчиликни бермай келяпти. Самарқанд шаҳрида ўтказилган "Шарқ гавҳари" мусика ва санъат танловида "Самарқанд Аёллари санъати" номли ижодий иши билан Гран-при соҳибаси бўлди. Онасига кўнгирак қилган пайтимиз у "Янги юлдузлар" танлови олдидан интервью бераётган экан. Қизнинг миллийлигитизимиз акс эттирган ҳайкалчалари дубайлик санъат илҳомландирганга ёқиб қолгани эса ҳаммасидан ҳам кутилмаган ҳолда. Қиз ясаган битта буюм 700 долларга сотилди. Шу тариқа миллий буюмларимизни меҳмонлар ўз ватанига олиб кетди. Улар ўзига ёққан кул меҳнати намуналарини сўтиб олгандан, биз эса амалий санъатимиз, миллий ҳунармандлигимиз дунёга танилётганидан хурсандимиз. Яқин келажақда Моҳиниси сингари, Азиза Тожиёва каби қўлбалб ёш ҳунармандлар онлайн бозорда етакчиларга айланishi ишонимиз.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Манзилмиз:

100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

ЎзА якуни — 21:40 Топширилди — 23:40

Кабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98

Е-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@vuz.uz Веб-сайт: www.vuz.uz; (71) 233-47-05